

Индонезия - «Ҳалол туризм» бўйича дунёда биринчи ўринда



14:30 / 30.04.2019 2568

Дунёда «Ҳалол туризм»ни ривожлантириш борасида асосий даъвогарлардан бўлган Индонезия 2019 йилда Жаҳон исломий туризм индекси бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Мамлакат Туризм вазири Ориф Яҳёнинг айтишича, сўнгги беш йилдаги ҳаракатлардан сўнг, ниҳоят Индонезия ўзининг ҳалол туризм бўйича нималарга қодир эканлигини намоён этишга муваффақ бўлди.

- Индонезия Жаҳон исломий туризм индекси бўйича 78 балл йиғиб биринчи ўринда турган Малайзия билан тенглашганидан фахрланади, - дейди Ориф Яҳё.

Давлатларнинг рейтинг бўйича тўпланган баллари қўйидагича: Туркия – 75, Саудия Арабистони – 72, БАА – 71, Қатар – 68, Марокко – 67, Баҳрайн ва Уммон – 66, Бруней-Даррусалом ва Австралия – 65 балл.

Islom.uz